

# Жамоа шартномаси ва жамоа келишувларининг фарқи нимада?



МК 65-моддасига кўра, жамоа шартномаси ташкилотда ёки яқка тартибдаги тадбиркорда яқка тартибдаги меҳнатга оид муносабатларни ва улар билан бевосита боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳамда ходимлар томонидан ўз вакиллари орқали ва иш берувчи томонидан тузиладиган меҳнат тўғрисидаги ҳуқуқий ҳужжатдир..

МК 80-моддасига кўра эса, жамоа келишуви яқка тартибдаги меҳнатга оид муносабатларни ва улар билан бевосита боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи, ходимлар учун ҳудудий, тармоқ ва республика даражаларида тарафларнинг меҳнат шароитларини, бандликни ҳамда ижтимоий кафолатларни белгилашга доир мажбуриятларини ўз ичига олган, ходимлар ва иш берувчиларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини келишиб олиш мақсадида тузиладиган меҳнат тўғрисидаги ҳуқуқий ҳужжатдир.

Бу икки тушунчанинг қуйидаги белгиларига кўра асосий фарқларини таҳлил қиламиз:

## 1. Субъектларига кўра:

Жамоа шартномаси, бир тарафдан, ходимлар томонидан касаба уюшмалари ёки ўзлари ваколат берган бошқа вакиллик органлари орқали, иккинчи тарафдан — бевосита ишберувчи ёки у ваколат берган вакиллар томонидан тузилади . Яъни фақат бипартизм шаклида яъни икки тарафлама тузилади.

Жамоа келишувлари музокараларда иштирок этаётган тарафларнинг келишувига мувофиқ икки тарафлама ва уч тарафлама бўлиши мумкин. Келишувни тузиш вақтида учинчи тараф сифатида ижро этувчи ҳокимият органи иштирок этиши мумкин. Яъни икки тарафлама ёки 3 тарафлама (трипартизм) бўлиши мумкин.

## **2. Амал қилиш доирасига кўра:**

Жамоа шартномаси иш берувчига ва мазкур корхонанинг барча ходимларига, шу жумладан жамоа шартномаси кучга кирганидан кейин ишга қабул қилинган шахсларга ҳам татбиқ этилади. Яъни жамоа шартномаси фақатгина у қабул қилинган корхона ҳудудидагина амал қилади.

Тартибга солинадиган муносабатлар соҳаси, ҳал қилиниши лозим бўлган масалаларнинг хусусиятларига қараб бош, тармоқ ва ҳудудий (минтақавий) жамоа келишувлари тузилиши мумкин. Демак, жамоа келишувининг амал қилиш доираси кенг ҳисобланади. У турига қараб бутун Республика ҳудуди бўйича (Бош келишув), муайян тармоқ ходимлари учун (Тармоқ келишуви) ва маълум бир ҳудуд (вилоят, туман) бўйлаб (Ҳудудий (минтақавий) келишувлар) амал қилади.

## **3. Мазмунига кўра:**

Бу икки тушунча мазмунига кўра бир-бирига жуда ўхшаш бўлсада, жамоа шартномалари мазмунига кўра жамоа келишувларидан кенгроқ бўлиши ҳам мумкин. Чунки корхона о'зининг молиявий ҳолатидан келиб чиқиб, жамоа шартномасида жамоа келишувида назарда тутилган кафолатларданда зиёдроқ кафолатларни белгилаши мумкин (лекин камайтириши мумкин эмас).

**Узун тумани Адлия бўлими Юридик марказ**

**Бош юрис консулти Б.Отамуродов**

Манба: Меҳнат ҳуқуқи.